II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2020 йил январь-июнь ойларида 17 115,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг йилнинг январь-июнь даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси* 105,6 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 12 842,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 109,0 % ни ташкил этди. Жумладан, 1 126,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 11 698,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 16,9 млрд. сўмлик ароқ, вино маҳсулотлари (2019 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 100,0 фоиз, 110,0 % ва 104,6 %) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2020 йил январь-июнь ойларида)

	млрд. сўм	*Физик ҳажм индекси, % да*
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	**17 115,2**	**105,6**
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**64,2**	**55,7**
шу жумладан:		
нефть- газ, кўмир, лигнит қазиб олиш	34,1	41,9
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	23,1	98,1
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	7,0	62,5
Қайта ишлаш саноати	**16 732,1**	**108,5**
шу жумладан:		
озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 246,6	103,1
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2 572,6	111,7

давоми

	млрд. сўм	
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мебель ишлаб чиқариш	111,2	94,2
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,8	78,9
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,9	116,6
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	336,2	114,6
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	194,2	134,1
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,4	105,4
металлургия саноати	24,5	65,3
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш, машина ва асбоб ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар, компьютер электрон ва оптика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, электр товарлар ишлаб чиқариш, машина асбоб ва ускуналар ишлаб чиқариш, бошқа турдаги автотранспорт ускуналари ишлаб чиқариш, машина асбоб ускуналари ўрнатиш ва таъмирлаш	12 210,2	116,1
бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	28,5	95,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**274,3**	**105,0**
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**44,6**	**87,3**
шу жумладан:		
сув таъминоти, оқава сув	26,2	87,3
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа маҳсулотлар	18,4	91,2

**Саноатда ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси - ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган давридаги ўзгаришни тафсифловчи нисбий кўрсатгичдир.*

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби ҳажми ва ўсиш суръатлари

(2020 йил январь-июнь)

Даслабки маълумотлар бўйича 2020 йилни январь - июнь ойларида вилоят корхоналари томонидан 17 115,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чикарилган бўлиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси* 105,6 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадигон (қайта ишлаш саноати) ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноатдаги улуши (97,7 %) ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 108,5 % га ўсиши ҳисобланганда, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 55,7 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 105,0 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 87,3 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди. Умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши, *% да*



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхона-лари томонидан 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 64,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон ва очиқ конларни ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	фарқи +/-
Нефт, *минг т.*	30,1	5,5	-24,6
Табий газ, *млн.куб.м.*	21,6	73,4	51,8
Газ конденсати, *минг т.*	0,1	0,7	0,6

Ишлаб чиқарадиган саноат

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 16 732,1 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларини 97,7 фоизини ташкил этди.

Вилоятда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(январь-июнь ойларида)

Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	2020 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	Фарқи +/-
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилмаган) дона	93 125	113 290	20 165
Пахтадан йигирилган ип тонна	26 069,3	31 344,4	5 275,1
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув муҳитида тонна	85,6	20,0	-65,6
Табиий газ млн.кубметр	21,6	73,4	51,8
Ўсимлик ёғи (тозаланган) тонна	8 383,8	3 760,0	-4 623,8
Алюминийдан электр изоляциясиз ўралган сим, пўлат арқонлар, тўқилган шнурлар ва шу каби буюмлар тонна	126,2	449,1	322,9
Ароқ – (спирт 100 %) минг.л	359,8	416,5	56,7

Вилоятда ишлаб чиқарилган автомобиллар сони, *дона*
(2020 йил январь-июнь ойларида)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 274,3 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (1,6 фоизини) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр-энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш,буғ билан таъминлаш тизимлари ва хавони кандитциялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 105,0 % га ошганлиги кузатилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	Фарқи +/-
Электр-энергия, *млн.клв/с*	207,5	153	-54,5
Иссиқлик-энергияси, *минг кгал*	18,4	23,6	5,2

Сув билан таъминлаш,канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатзия қилиш

Сув билан таъминлаш канализатция тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатция қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 44,6 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 фоизини) ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими,чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	фарқи +/-
Қайта фойдаланишга яроқсиз бошқа хавфсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар, *млрд. сўм*	8,9	9,6	0,7
Сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар, млрд. сўм	20,6	22,2	1,6

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сувга ишлов бериш 7,6 % га ҳамда хавсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар 7,2 % га ошганлиги кузатилди.

Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва физик ҳажм индекси

(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)

	Млрд. сўм	*Физик ҳажм индекси, %*
Вилоят бўйича:	**17 115,2**	**105,6**
шаҳарлар:		
Андижон	2 674,5	111,4
Хонобод	613,8	118,2
туманлар:		
Андижон	460,3	101,7
Асака	10 313,5	108,7
Балиқчи	286,2	102,8
Бўстон	152,1	106,0
Булоқбоши	168,0	101,5
Жалақудуқ	244,4	105,0
Избоскан	358,9	156,6
Улуғнор	130,6	100,6
Марҳамат	214,5	115,9
Олтинкўл	316,2	139,3
Пахтаобод	201,8	102,1
Хўжаобод	292,2	106,3
Шаҳрихон	328,3	100,8
Қўрғонтепа	359,9	238,8

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида, вилоятда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида жами 17 115,2 млрд. сўмга тенг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шаҳар ва туманлар кесимида юқори ҳажм Асака туманида 10 313,5 млрд. сўм, Андижон шаҳрида 2 674,5 млрд. сўмни, Хонобод шаҳрида 613,8 млрд. сўмни, Андижон туманида эса 460,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 449,8 минг сўмни ташкил қилиб, физик ҳажм индекси* 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 103,5 % ни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Асака туманида 31 520,4 минг сўм, Хонобод шаҳрида 14 408,7 минг сўм, Андижон шаҳрида 6 026,5 минг сўм бўлиб, ўртача вилоят даражаси кўрсаткичи (5 449,8 минг сўм)дан юқорилигини кўрсатмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

(2020 йил январь-июнь, минг сўмда)



**Саноатда ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси - ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган давридаги ўзгаришни тафсифловчи нисбий кўрсатгичдир.*

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида 12 842,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-июнига нисбатан 109,0 % ни ташкил этди. Жумладан,

1 126,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 11 698,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 16,9 млрд. сўмлик ароқ, вино маҳсулотлари (2019 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 100,0 фоиз, 110,0 % ва 104,6 %) ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 12 842,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 109,0 % га ўсиши таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 75,0 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати

	2019 йил январь-июнь	*2020 йил январь-июнь*	*2019 йилнинг январь-июнига нисбатан % да*
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, *млрд. сўм*	**11 782,7**	**12 842,6**	**109,0**
шу жумладан:			
озиқ-овқат товарлари	1 126,7	1 126,9	100,0
ноозиқ-овқат товарлари	10 639,9	11 698,8	110,0
ароқ, вино маҳсулотлари	16,1	16,9	104,6

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да)



2019 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда 2020 йил январь-июнь ойларида истемол маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 90,5 % дан 91,3 % гача ошганлиги қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича истемол маҳсулотлари ишлаб-чиқариш
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)

	Млрд. сўм	жамига нисбатан улуши, *% да*	2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан, *% да*
Андижон вилоят бўйича:	**12 842,6**	**100,0**	**109,0**
Андижон шаҳар	629,0	4,9	101,6
Хонобод шаҳар	44,0	0,4	100,8
туманлар:			
Андижон	237,4	1,9	101,2
Асака	10 048,0	78,2	111,3
Балиқчи	117,9	0,9	107,3
Булоқбоши	154,0	1,2	101,4
Бўстон	105,2	0,8	110,8
Жалақудуқ	159,3	1,2	91,8
Избоскан	121,4	0,9	113,7
Улуғнор	69,5	0,5	105,7
Марҳамат	139,1	1,1	104,4
Олтинкўл	236,8	1,9	111,6
Пахтаобод	139,5	1,1	101,3
Хўжаобод	250,2	1,9	91,8
Шаҳрихон	229,8	1,8	94,7
Қўрғонтепа	161,3	1,3	101,3

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 422,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2019 йил январь-июнь	*2020 йил январь-июнь*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	58	232
Корхоналар сони, *бирлик*	30	130
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	3 073,0	422,8
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, *млн. АҚШ долл.*	44,3	0,8
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	97	484

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 2 866,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшма корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 16,7 % ни ташкил этди.